



ОДИЛ ЁКУБОВ ҚИССАЛАРИДА БАДИИЙ КОНФЛИКТ ВА ХАРАКТЕР КОЦЕПЦИЯСИ

**Мансурова Умидахон
Иброхимовна.**

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети мустақил
изланувчиси.*

Annotatsiya

Мазкур мақолада таниқли адиб Одил Ёқубов қиссаларида бадиий конфликтнинг турлари ва уларнинг қаҳрамон характери очиқ беришдаги аҳамияти назарий ҳамда таҳлилий жиҳатдан тадқиқ этилган. Адибнинг “Муқаддас”, “Матлуба”, “Биллур қандиллар” каби асарлари мисолида ижтимоий, характерлараро ва психологик зиддиятларнинг ўзаро боғлиқлигини илмий асослаб беради. Қиссалардаги ички коллизиялар ва рухий изтироблар инсон маънавиятини ифодаловчи асосий поэтик омил сифатида талқин қилинган.

Kalit so'zlar:

Одил Ёқубов, бадиий конфликт, характер концепцияси, ички коллизия, психологик таҳлил, сюжет динамикаси, маънавий қашшоқлик, ижтимоий зиддият, индивидуал нутқ, эстетик таъсир.

Аннотация: В данной статье теоретически и аналитически исследуются виды художественного конфликта в повестях известного писателя Одила Якубова и их значение в раскрытии характера героя. На примере таких произведений автора, как «Муқаддас», «Матлуба», «Хрустальные люстры», научно обосновывается взаимосвязь социальных, межхарактерных и психологических противоречий. Внутренние коллизии и душевные страдания в повестях интерпретируются как основной поэтический фактор, выражающий духовность человека.

Ключевые слова: Одил Якубов, художественный конфликт, концепция характера, внутренняя коллизия, психологический анализ, динамика сюжета, духовная нищета, социальное противоречие, индивидуальная речь, эстетическое воздействие.

Abstract: This article examines the types of artistic conflict in the novellas of the famous writer Odil Yoqubov and their significance in revealing the hero's character from both theoretical and analytical perspectives. Using the examples of the author's works such as “Muqaddas”, “Matluba”, and “Crystal Chandeliers”, it scientifically substantiates the interconnectedness of social, inter-character, and psychological

contradictions. Internal collisions and mental sufferings in the novellas are interpreted as the main poetic factor expressing human spirituality.

Keywords: Odil Yoqubov, artistic conflict, character concept, internal collision, psychological analysis, plot dynamics, spiritual poverty, social contradiction, individual speech, aesthetic impact.

Олам ва одам моҳиятини очишда конфликт энг асосий омил ҳисобланади. Диалектика қонунига кўра оламдаги барча нарса ва ҳодисалар ҳатто улар ҳақидаги тушунча ва билимлар ҳам доимо ўзгаришда, ривожланишда ва ўзаро курашдадир. Зеро, диалектика сўзининг этимологиясида ҳам (юнонча *dialektike* – суҳбат, баҳс-мунозара қилиш) суҳбат ва баҳс-мунозара асосида моҳиятни очиш усули деган мазмун ётади. Демак, диалектика борлиқдаги барча нарсалар, ҳодисалар, жараёнлар мазмун-моҳиятини, уларнинг ўзаро алоқаси, сабаб-оқибат боғланиши, ҳаракати, ўзгариши, таъсирлашуви ва ривожланиши билан боғлайдиган таълимот¹ ҳисобланар экан унинг моҳиятида ҳам баҳс-мунозара, конфликт воситасида ҳақиқатни очиш етакчилик қилишини кўришимиз мумкин. Фалсафий ёндашув, илмий билиш усулларида ҳақиқат очиш воситаси тўқнашув, конфликт асосланганидек, адабиётшуносликда ҳаётни бадиий акс эттиришда унинг ўрни катта. Шу маънода конфликт эзгуликни ёвузлик, гўзалликни хунуклик, бунёдкорликни вайронкорлик, муҳаббатни нафрат, садоқатни хиёнат, бахтни фожеавийлик воситасида мукамал ва таъсирчан тасвирланишига ёрдам беради.

Герман классик фалсафасининг асосчиси **Г.В.Ф. Гегель** эстетикага оид қарашларида конфликтни “*субстанционал кучларнинг тўқнашуви*” деб таърифлайди. Унинг фикрича, драма ва прозанинг марказида турган конфликт — бу шунчаки икки шахснинг келишмовчилиги эмас, балки дунёдаги муайян маънавий тамойилларнинг (масалан, бурч ва ҳис-туйғу, эски ва янги дунёқараш) ўзаро тўқнашувидир. [Гегель Г.В.Ф. Эстетика. В 4-х томах. Том 1. — М.: Искусство, 1968. — С. 213-217.] Гегель таъкидлаганидек, конфликт асарнинг ички мувозанатини бузиши ва қаҳрамонни фаол ҳаракатга ундаши орқали ҳақиқий характерни юзага чиқаради.

Рус адабий танқидчиси **В.Г. Белинский** эса конфликтнинг эстетик табиатини бадиий асарнинг “*нафоси*” ва “*ғоявий ўзаги*” билан боғлайди. Унинг қарашича, бадиий тўқнашув ҳаётдаги тасодифий зиддиятлардан фарқ қилиб, муайян бир ижтимоий ёки руҳий ҳақиқатни очишга хизмат қилиши шарт. Белинский таъбири билан айтганда, “*санъат воқеликнинг тасодифийликларидан тозаланган мантиқий ва эстетик инъикосидир*”. [Белинский В.Г. Полное собрание сочинений. Том 4. — М.: АН СССР, 1954. — С. 585-586.]

Шу маънода, Одил Ёқубов қиссаларидаги конфликтлар шунчаки сюжет қурилмаси эмас, балки адибнинг инсон ва жамият ҳақидаги фалсафий-диалектик мушоҳадаларининг бадиий ифодасидир. Муаллиф қаҳрамонлар руҳиятидаги ички коллизияларни тасвирлашда Гегель назарда тутган “маънавий кучлар кураши”ни ижтимоий воқелик билан маҳорат ила боғлайди.”

¹ <https://oyina.uz/kiril/teahouse/975>

Назариётчи олим М.Қўшжонов адабий асарда конфликт масаласига тўхталар экан, конфликт масаласи фақат адабиёт назариясига боғлиқ масала бўлмасдан, аввало борлиқни эстетик ўзлаштириш масаласи ҳам эканини таъкидлайди ва эстетиканинг барча категориялари конфликт билан чамбарчас боғлиқ деб ёзади. Олим фожиа конфликтсиз тўла очилмаслиги, комик нарсалар ҳам конфликт масаласи билан боғлиқ эканини таъкидлар экан: “Хунук нарсалар ўзини гўзалликка солмоқчи бўлганда, комик (кулгули) ҳолатлар келиб чиқади. Демак, комизм гўзаллик билан хунуклик орасидаги зиддият натижасидир”² деган ҳақли хулосага келади. Бадиий адабиётда конфликтга қўйилган асосий талаблардан бири унинг ҳаётлигидадир. Яъни ҳаётдаги қарама-қаршиликлар ижодкор тарафидан қайта ишланиб бадиий конфликтга айлантирилади. Шу жараёнда ҳаётлик муҳим ўрин тутари. Зеро олим таъкидлаганидек, “конфликт – ҳаётдаги реал қарама-қаршиликларнинг бадиий ифодасидир. Асарда эса, у сюжетни ҳаракатга солувчи асосий куч, ривож берувчи пружина, ричагдир. Сюжетни асар скелети деб фараз қилсак, конфликт унга жон берадиган, ҳаракатга келтирадиган юракдир”³. Шу маънода бадиий конфликт асар қаҳрамонларининг “асар сюжетида бадиий ифодасини топадиган ўзаро тўқнашув ва курашлари, қаҳрамон билан муҳит орасида ёки унинг руҳиятида кечувчи зиддиятлар, қарама-қаршиликлар”⁴дир. Конфликт ўз моҳиятига кўра хилма хил кўринишларда воқе бўлади. Адабиётшуносликда конфликтнинг уч хил тури ҳақида қарашлар мавжуд. Булар қуйидагича таснифланади:

1. Ижтимоий конфликт;
2. Характерлараро конфликт;
3. Психологик конфликт (ички коллизия).

Таъкидлаш лозимки, конфликтнинг барча турлари қаҳрамонни ҳаракатга ундаши ва шу асосда сюжетни ривожига, драматизмни кучайиши ва эстетик таъсирчанликни оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятли. Гарчи конфликтнинг ички тури психологик конфликтда муайян ҳаракат, воқеабанд сюжетни ҳаракатга келтиришига асос яратмаса-да қаҳрамонларнинг руҳиятида кечадиган ўз ўзи билан бўлган ички коллизияси, зиддиятлари асоциатив сюжет типи ривожига замин яратади.

Маълумки, ижтимоий конфликт ҳаётдаги ижтимоий зиддиятларни акс эттириб инсон билан муҳит орасидаги зиддиятларга асосланади. Одил Ёқубов асарларида ҳам конфликтнинг ушбу тури тез-тез учраб туради. Масалан, “Муқаддас” қиссасида таниш билишчилик, уруғ аймоқчилик, жамиятда адолат мезонини емирилиши, коррупцияга иллати воситасида чин инсоний муносабатларга путур етиши, инсон маънавиятига етказган зарарлар Шарифжон ва Муқаддас образлари тақдири мисолида бадиий тадқиқ этилган. “Бир фелъетон қиссаси”даги конфликт шунчаки икки қаҳрамон ўртасидаги келишмовчилик эмас, балки сўз масъулияти ва инсон қадри, ҳақиқат ва лоқайдлик ўртасидаги жиддий маънавий-ахлоқий тўқнашувдир. Адибнинг

² Бу ҳақда қаранг: Қўшжонов М. Танланган асарлар. – Тошкент: SHARQ, 2018. – Б.337.

³ Қўшжонов М. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2018. – Б.338.

⁴ Куронов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б.143.

журналистик тажрибаси эса мазкур конфликтнинг ҳаётӣ ва ҳаққоний гавдаланишига хизмат қилган.

“Биллур қандиллар” қиссасидаги конфликт маънавий бойлик ва маънавий қашшоқлик ўртасидаги кескин тўқнашувга асосланган. Асар қаҳрамонининг ялтироқ, аммо жонсиз буюмлар дунёсига маҳлиё бўлиб, адашиб бошқа инсонга турмушга чиқиши ва соф инсоний туйғулардан воз кечиши — маънавий инқирознинг бадий ифодасидир. Қаҳрамоннинг кейинги афсуслари орқали адиб ҳақиқий бахт моддиятда эмас, балки руҳий бутунлик ва маънавий юксакликда эканини бадий жиҳатдан исботлаб беради.

“Қанот жуфт бўлади” қиссасида 70 йилларда ижтимоий маданиятга кириб келаётган “ғарбча маданият” эркинлик тимсоли деб қабул қилган баъзи одатлар (хотин-қизларнинг эрки, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, турли хил базмларда, ресторон ва кафелардаги ўйин кулгуларда рақс тушишлар, чекиш ва бошқ.,) ёш қизларнинг ахлоқида, маънавиятида инқирозларни вужудга келтиради ва оилавий муносабатларнинг путур етишига сабаб бўлиши, “Матлуба” қиссасида муҳаббатга эриша олмаган икки ёш қаҳрамон дунёқарашидаги тафовутлар, маънавий-ахлоқий муаммолар бадий тадқиқ этилади. Умуман, адиб қиссаларида оила, севги, муҳаббат маънавиятга дахлдор бўлган масалалар ёритилса-да, лекин мана шу масалалар ижтимоий воқеликдаги айрим зарарли урф-одатлар билан муносабатга киришиб фожиавий оқибатлари бадий тадқиқ этилади. Одил Ёқубов асарларига хос хусусиятлардан бири бадий конфликтнинг барча турларини етакчилик қилишида, яъни адиб асарларида конфликтнинг ҳар учала тури қоришиқ ҳолда учрайди ва қаҳрамон маънавиятини очишга хизмат қилади.

Характерлараро конфликт бадий асарда тасвирланган қаҳрамонлар ўртасидаги ўзаро зиддиятга асосланади. Қаҳрамонлар ўртасидаги зиддиятларда характернинг индивидуал жиҳатлари яққол акс эттирилиб сюжет ривожининг кулминацион чўққисигача кўтарилиши мумкин. Умуман, юқоридаги таъкидлаганимиздек, бадий конфликтнинг барча тури бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, улар ўртасига “Хитой девори”ни қўйиб бўлмайди. Аксинча улар бир-бирини тўлдириб, ўзаро алоқадорликда бири иккинчисини келтириб чиқаради ва бири иккинчиси орқали ифодаланади⁵. Масалан, Шарифжонни жамиятдаги адолатсизликларга бўлган муносабати, норозилиги Муқаддас, Салим Каримович (ўғай отаси), онаси ва декан билан бўлган конфликтга сабаб бўлади. Бундай зиддиятларда қаҳрамонларнинг маънавий олами, ахлоқий-индивидуал жиҳатлари ёққол намоён бўлади. “Матлуба” қиссасида турфа дунёқараш соҳибларига айланган асар қаҳрамони Матлубанинг Асқар Аминович, Самифжон, Самифжоннинг опаси, Мастуралар билан конфликтлари асносида характер-хусусияти, индивидуал жиҳатлари, дунёқараш ва ҳаётӣ аъмоллари ёрқин акс эттирилиб борилади ва шу аснода ёзувчи асарда илгари сурган миллий маънавиятга етказилаётган таҳдидлар ҳақидаги бадий хулосалар ўртага ташланади.

⁵ Бу ҳақда қаранг: Куронов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б.144.

Психологик конфликт (ички коллизия) қахрамон руҳиятида кечадиган мураккаб ҳолатлар, ўй-фикрлар ўртасидаги конфликт, виждон қийноқлари, ўз-ўзи билан зиддияти, курашига асосланади. Ички коллизия конфликтнинг энг мураккаб тури ҳисобланади. Муаллифдан руҳшунослик илмини яхши англашни, руҳият мусаввирига айланишини талаб этади. Инсон психологияси ва руҳияти мураккаб англаб бўлмас хилқат бўлгани боис бу вазифани мукамал бажариш ҳамма ижодкорга ҳам бирдек насиб этавермайди. Бир қарашда Одил Ёқубов қиссаларида ижтимоий конфликт етакчиликдек туюлса-да, асарларнинг сюжет кулминацияси ва ечимида бу масала инсон маънавиятига бориб тақалиши билан ички коллизия, психологик конфликтнинг ҳам тенг мавқега кўтарилишини кўриш мумкин. “Муқаддас” қиссасида севгисига етишиш иштиёқи ҳамда ўз отаси васияти туйғули хато ёзган иншосини қайта ёзиб адолатсизликка бош қўшиб катта хато қилганини кеч англаган Шарифжоннинг виждони олдидаги қийноқлари унинг руҳий кечинмалари воситасида қуйидагича тасвирланади: “Назаримда шу топда кимдир менга қон ва жон бериб турган ҳаёт манбасини шартта кесиб ташлагандек эди: хаёлимга ҳеч бир фикр келмас, гўё миям ҳам; қалбим ҳам бўм-бўш эди. Ҳатто ҳозир мен учун нақадар катта фожиа рўй бергани ҳам онгимга бориб етмаган, қаерда ва нима учун турганимни ҳам яхши билмас эдим, фақат юрагимнинг бир чети қаттиқ оғрир, худди захарли тикан қадалиб турганга ўхшарди”⁶. Қахрамоннинг пушаймонлиги, руҳий изтироблари “караҳлик”, “бўшлик”, “оғриқ” психологик ҳолатлари воситасида чуқур драматизм билан ҳаққоний, жонли тасвирланган. Бу эса адибнинг ички конфликтни моҳирлик билан тасвирлаган руҳият мусаввири эканидан далолат беради. Одил Ёқубовнинг **“Матлуба” қиссасида** ҳам ахлоқий мезонларга қарши чиқолмай ўз муҳаббатига эриша олмаган асар қахрамони Матлубанинг руҳий изтироблари ва ички коллизияси ниҳоятда жонли ва таъсирчан тасвирланган.

Инсон дунёга келибдики, ҳаракатлар ва курашлар ила вояга етади.

Яшаш учун курашади, бу йўлда ҳаёт зиддиятларига дуч келади. Баъзан ҳис-туйғуларини ошқор этса, баъзан ички дунёси билан ўз-ўзича курашади. Ҳаёт йўлларида қоқилмаслик учун бир талай тажриба ва малакалар ошириб боради. Ана шундай ҳаракатлар ва курашлар натижасида инсон характери, яъни феъл-атвори шаклланади. Дунёқараши, феъл-атворига қараб жамиятда ўз ўрнига эга бўлади. Ана шу феъл-атвор адабиётимизда характер деб номланиб, маълум бир асарнинг қай даражада юксак чўққини эгаллаши, ёзувчининг образлар характерини қай даражада намоён қилиб бера олиши билан боғлиқдир.

Бадий характер муайян бир ижтимоий даврда яшаган инсонларга ҳамда бир шахсга хос индивидуал белгиларни ўзида акс этирган қахрамон образи экани назарий манбаларда баён этилган. Бадий характер ўзида объектив ва субъектив жиҳатларни бирлаштириши ҳақида сўз юритган Д.Қуронов уни қуйидагича изоҳлайди: “Инсон ҳаётининг ижтимоий-психологик реаллиги бадий характернинг объектив томони бўлса, унинг ижодкор томонидан ҳиссий идрок этилиши ва ғоявий ҳиссий баҳоланиши субъектив томонидир. Бадий характернинг субъектив жиҳати, бир томондан, унинг ижодкор томонидан

⁶ [https://n.ziyouz.com/books/uzbek_nasri/Odil%20Yoqubov.%20Muqaddas%20\(qissa\).pdf](https://n.ziyouz.com/books/uzbek_nasri/Odil%20Yoqubov.%20Muqaddas%20(qissa).pdf)

яратилган янги мавжудлик, бадиият ҳодисаси бўлишини; иккинчи томондан, унинг концептуал функцияга хосланишини таъмин этади. Бошқача айтсак, адабиётнинг бадиий концептуал функцияси характер орқали амалга ошади, яъни жамиятнинг жорий ҳолати характерлар воситасида бадиий тадқиқ этилади ва яхлит бадиий концепция ишлаб чиқилади”⁷. Олим характернинг бу қадар катта аҳамият касб этишини сўнги давр адабиёт тараққиёти билан боғлар экан, антик адабиётда бадиий концепцияни ифодалашда характер эмас тасвирланган воқеани ўзи роль ўйнаганини таъкидлайди. Ўз қарашларини антик иждоқорлар учун характернинг муайян турғун типлари (золим, мушфик. ва б.) мавжуд бўлиб, улар асар сюжетида шу типга мос ҳаракатлантирилгани, уйғониш даврида характер индивидуал чизгилар касб эта бошлагани билан асослар экан, жамиятда шахс мақомининг ўзгариб бориши баробарида бадиий характерда индивидуаллик салмоғи ортиб, инсон характери унга табиатан ато этилган турғун хусусиятлар жамигина эмас, айни чоғда, давр ва муҳитнинг маҳсули экани ҳам англаниб борган ва шу тарика реализм босқичига яқинлашган сари адабиётда бадиий характернинг роли ва аҳамияти ҳам ортган. Реализм адабиётида бадиий характер ҳаётни кўламли ва теран бадиий идрок этиш учун кенг имкониятлар яратади. Зеро, бадиий характерларнинг шаклланиши ва ривожланиши, ҳаётини амаллари, ўзаро қурашлари, руҳияти ва ш.к.ларни тасвирлаш орқали воқеликни атрофлича чуқур бадиий идрок этиш, унга ғоявий-ҳиссий баҳо бериш - бадиий концепцияни шакллантириш ва ифодалаш мумкин бўлади⁸ деган ҳақли хулосага келади. Умуман олганда, бадиий характернинг барча давларга хос тадрижий тараққиёти бадиий асар ғояси, иждоқор концепциясини ўзида жамлаган, бетакрор руҳият, индудуал жиҳатларни ифодаловчи **бадиий жавҳар** эканини англаш мумкин.

Характер атамасига адабиётшуносликда олимларимиз қуйидаги таъриф беришади: “Шахс ирода йўналиши характернинг асосий белгиларидан биридир, деган фикр бизгагина тегишли гап эмас. Бу фикр ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам машҳур мутафаккирлар томонидан айтилган ва айтилмоқда. Масалан, Аристотель санъат ҳақида фикр юритар экан, характер масаласига ҳам тўхтаган. У ўзининг “Поэтика” асарида ўз даври санъати ва адабиёти тажрибасига суяниб, “Шахс ирода йўналишини кўрсатувчи нарса характерни белгилайди”, деган эди. У шу асосида ўша давр драмалари ҳақида фикр юритиб, шунинг учун шахс нутқи (демак, унинг ҳаракати ҳам) агар у шахснинг нимани хуш кўргани, нимани хуш кўрмаганини билдирмаса, умуман унинг нутқида бирор нарсани яхши кўриши ё ёмон кўришини билдирмаса, характерни белгилай олмайди” деган хулосага келган. Худди шу хилдаги фикрни машҳур драматургимиз Николай Погодин ҳам таъкидлайди. У “Пьеса нимадан бошланади” деган мақоласида “Пьесада энг асосий нарса характердир ва пьесани бош қаҳрамон тасвиридан, унинг номи, характери, биографиясидан бошлаш керак”, деб характернинг таърифига тўхтайдиган ва қуйидагиларни ёзади: “агар одам бурнини қашиса, ё қашимаса, секин ёки тез юрса, шу билан характер бўлавермайди, характер шахс иродасининг юзага чиқиши, ҳаракатда ифодаланиши...дейди. Демак, характер

⁷ Курунов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 348-349 бетлар.

⁸ Курунов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б. 349.

энг аввало шахс иродаси, ўша ироданинг йўналиши, унинг юзага чиқиши ва ифодаланиши билан белгиланади”.⁹

Шундай экан ҳеч бир асарнинг асосини конфликт ва характерсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Одил Ёқубовнинг қиссалари эса ҳаётий зиддиятларнинг ёритилиши, давр муаммоларининг адабиётга олиб кирилиши билан ҳам қимматли асарлар туркумига киради. Адиб Шариф ва Муқаддас, Воҳид ва Розия, Қулаҳмад, Салтанат ва Камол, Самиғ ва Матлуба, Ҳикматилла, Бегимқул ва Нилуфар, Акрам ва Сайёра каби образларни яратиш орқали миллий насримизнинг олтин хазинасини янада бойитиб берди. Образлар ўртасидаги соф муҳаббат ва ҳақиқат учун курашлари, баъзан барига қўл силтаб ташлаб кетишлари, кўз ёшларга кўмилишларию, қалб сирини беркитишлари китобхон диққатини ўзига тортиб, асарни янада ўқимишли ва эстетик таъсир кучини оширди.

“Бадий асар сюжети воқеалардан, воқеалар эса персонажларнинг хатти-ҳаракатлари, ўзаро мураккаб муносабатлари, зиддиятларидан таркиб топгани боис ҳам уни ҳаёт зиддиятларини умумлаштирувчи воқеалар системаси сифатида таърифланади. Сюжет билан конфликт орасида иккиёқлама алоқа кузатилади: бир томондан, сюжет конфликтларни умумлаштириб намоён қилади, иккинчи томондан, конфликт сюжетни ҳаракатга келтирувчи асосий куч саналади. Кўринадики, сюжет ва конфликт бадий асарда уйғунлашади, бири иккинчисини тақозо этади. Конфликт деганда бадий асар персонажларининг ўзаро курашлари, қаҳрамоннинг ўз муҳити билан зиддиятлари, шунингдек, унинг руҳиятида кечувчи қарама-қаршиликлар тушунилади. Бадий асар воқеликни бадий акс эттиргани ва унинг марказида инсон образи тургани учун инсоннинг реал ҳаётида мавжуд конфликтларнинг бари унда бадий аксини топади”¹⁰.

Ўз даврининг энг машҳур қиссаларидан бири “Матлуба” қиссаси нимаси билан бу даражада китобхонларнинг эътиборини тортди. Гап шундаки, бу воқеалар ўқигувчи – китобхонга таниш. Асар 1966 йилда ёзилган ва ўз даврининг нафасини, ёшларнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларини ҳолатини, акс эттирган. Энг муҳими асарда муҳаббат ва ҳижрон мавзуси икки хил дунёқараш ва ўзига хос кечинмалар билан тасвир этилганида. Шунингдек, қиссадаги конфликт ахлоқ, дунёқараш ва руҳий изтироблар курашига асослангани билан ҳам муҳим. Қиссада нафақат ўз даврининг ижтимоий-ахлоқий масалалари балки чин инсоний туйғулар ҳам акс эттирилган. Ёзувчининг ютуғи шундаки, образлар ўртасида ҳаётий конфликтларни уюштириш орқали, драматизмни кучайтиришга, асар сюжетини эстетик таъсирчан бўлишига эришган. Маълумки, шаҳар ва қишлоқ ёшлари яшаш тарзи, маданияти ва турли урф-одатлари билан бир-биридан ажралиб туради. Адиб ана шу тафовутларни ёшларнинг характерлари ва дунёқарашлари орқали солиштириб, хулосани эса китобхоннинг ўзига ташлаб қўйяди. Бу тафовут орқали ёзувчи жуда нозик бир масалага эътиборни қаратиб, миллий қадриятлар, ғурур-ор, ибо-ҳаё каби фазилатларга

⁹ Қўшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат. – Тошкент: УзССР давлат бадий адабиёт нашриёти, 1962. – 14 б.

¹⁰ Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш – Андижон: Ҳаёт, 2002. – 109 б.

путур етишига Матлубанинг характер хусусият, мақсад-интилишлари воситасида ўз принципини: қаршилигини билдиради. Яъни Одил Ёқубов мазкур қиссада маънавийта дахлдор муаммоларни икки хил дунёқарашдаги ёш Самигъжон ва Матлуба образлари тақдири мисолида бадий хулосалайди.

Асарда Матлуба характери ёзувчи нигоҳи, диалог ва монологлар, руҳий кечинмалар фонида, шунингдек, конфликтлар воситасида яққол ифодаланган. Характерлар моҳиятини ва ёзувчининг ғоявий-концепциясини очишда конфликтнинг ҳар учала тури ҳам етакчилик қилади. Бир қарашда Матлуба Самигъжоннинг, опасининг ва қариндошлар назарида содда қиз. Унинг соддалиги ҳақида ёзувчи бир неча ўринда айтиб ўтади. Самигъжоннинг хизмат сафаридан қайтаётганида, кутиб олгани чиққан Матлуба *бошида дўппи, эгнида атлас кўйлак, кўлида бир даста гул* билан чиқади. Унга жавобан йигитнинг қариндошлари имо-ишоралар қилишади. Самигъжонни кутиб олишга чиққан икки нафар қизни эса *икковлари ҳам жуда келишган, чиройли эди. Бири сочини қирқтириб, сарғиш ранга бўяган, иккинчиси баланд қилиб турмаклар олган. Ўтган-кетган ҳамманинг кўзи шуларда эди* дейди. Ана шу солиштиришнинг ўзида ёзувчи қизнинг соддалигига ишора қилади. Қуйидаги ўринда эса қизнинг шаҳарлик қизлар каби кийиниб олганлигини айтиб ўтади: *Уянги кўйлаги билан янги туфлисини кийиб, икки ўрим сочини баланд қилиб турмаклар, поликлиникага кириб келганида, ҳамма ҳайратда қолди. Ҳамишра қизлар эса: - Вой, мунча очилиб кетибсан, Матлуба!... – деган хитоблар билан қариши олишди.* Шу ўринда адиб унинг содда қиз эканлигини бир неча бор таъкидлаб, китобхонни ҳам бунга ишонтиришга уринади. *“Мана, опам ҳам куляптилар, сени айтяптилар, содда қиз экан деяптилар...”* Ёки *“Сиз жуда... содда, яхши қиз экансиз... оқкўнғил бир қиз эканлигини билмаганимда, бу ерга келиб юрмас эдим... Сизни кўрганимда соддагина қиз экан деб ўйловдим... дакки еган содда қишлоқ қизларидай кўз ёшини тийёлмай пиқ-пиқ йиғлаб юборди”.* Ваҳолангки саккиз йиллик мактабни битириб, медтехникумга ўқишга кирган, Самигъжон билан *“Хиёбонга кечқурун кун ботмасдан олдин келишган, лекин гаплари тугамай, юракларни лиммо-лим тўлдирган ҳис-туйғулардан энтикиб, қайноқ бўсалар огушида тонг отганини ҳам пайқамай қолишган”* қиз қандай қилиб содда бўлиши мумкин. Бу ҳолни оддийгина шу жумла орқали тушунтиради: *“Қариндош-уруғлари у ёқда турсин, энди ўйлаб қараса, Самигъжоннинг ўзини ҳам яхши билмас экан. Яхши биладиган ўртада нима ҳам бўлди? Қишлоқда танишишди, кейин бир-икки марта у ер-бу ерда учрашишди, хизматга жўнаётганида ўпишиб хайрлашишди, ниҳоят, хат ёзишиб туришди. Шу!”* Яна бир ўринда *“Ҳозир олти йилдан кейин... содда қишлоқ қизи ўша кеча Самигъжон билан алоқани узиб, тўғри қилганига амин эди”*-дейди. Умуман, Матлуба образининг характер-хусусияти унинг индивидуал нутқи, монолог ва кечинмалари орқали ҳам номоён бўлиб боради.

Одил Ёқубов Матлуба образини қишлоқдан келган содда қиз деб қанчалик кўкка кўтарса, шаҳарлик йигит Самигъжон образини яратишда эса бунинг акси. Ёзувчи Самигъжоннинг портретини шундай чизади *“Баланд бўйли, бақувват, юзида, кўз қарашларида, ҳатто одимлашида ҳам аллақандай шиддатли бир нарса пайдо бўлган”* дейди. Шаҳарлик бу йигитнинг чиройли кўринишидан

мамнун китобхон, секин аста унинг характери билан танишиб боради. “*Битта ўпсам бўладими...Жа галати одатларинг бор-да...Ана шу кампирдан уяламизми...Одамлар менинг ўпичларимдан эмас, сенинг мана шу қилигингдан қулишяпти, шу одатларинг сира қолмади-қолмадида...Шундай чиройли қиз! Ҳайронман: кийинишинг, юриш-туришинг жойида-ю,қилиқлқринг..Ке, қўй,замонавий қизларга ўхшагин Матлуб...Сен қанақасан ўзи...Тўй, уй-рўзгор, қозон-тавоқ, бола-чақа, войдод!...*”

Матлуба ва Самигжон образлари ўртасидаги зиддиятлар китобхон олдига бир қатор муҳим маънавий-эстетик масалаларни қўяди. Хусусан, Самигжон образи орқали инсоннинг ташқи қиёфаси (жисмоний фаоллиги, спортдаги маҳорати) ва ички маънавий дунёси ўртасидаги номутаносиблик тадқиқ этилади. Унинг муҳаббатга бўлган юзаки муносабати шунчаки характер хусусияти эмас, балки маънавий қашшоқлик ва масъулиятсизликнинг бадиий ифодасидир.

Асарда шаҳар ва қишлоқ ёшлари дунёқарашидаги фарқлар умумлашган ҳолда эмас, балки муайян индивидуал характерлар тўқнашуви мисолида гавдаланади. Самигжоннинг беқарорлиги ва Матлубанинг соф инсоний туйғулари ўртасидаги конфликт асарнинг бадиий қийматини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Қисса хотимасида Матлубанинг изтироблари ва ёшлар тақдирининг мужмал (очик) қолиши китобхонни чуқур мушоҳадага чорлайди.

Асарнинг эстетик таъсир кучи фақат танланган мавзунинг долзарблигида эмас, балки давр руҳияти ва ёшлар қалбидаги мураккаб кечинмаларнинг, руҳий изтиробларнинг ҳаққоний тасвирланганида намоён бўлади. Энг муҳими, адиб инсон маънавиятига дахлдор ахлоқий мезонларни жонли бадиий деталлар орқали акс эттиришга муваффақ бўлган.

Конфликт -сюжетни юргизувчи куч эканлиги адабиётшунос ва танқидчи олимларга маълум. Одил Ёқубов Шарифжоннинг характерини ёритишда руҳиятида кечувчи конфликтларни, ташқи муҳит билан бўлган зиддиятларни тўғри ёрита олган. Бир сўз билан айтганда ана шу жиҳати асарнинг бадиий қийматини оширган.

Аёнки, бадиий асарда инсон руҳиятини бадиий кашф этиш бош масалалардан биридир. Зеро, инсоннинг ўзини бошқариб турувчи куч ҳам унинг онг-у шуури ҳамда руҳияти, қалб кечинмалари, десак янглишмаймиз. Бу, албатта, яратган томонидан инсонга инъом этилган сирли бир мўъжиза. Худди шу боис бадиий адабиётнинг барча унсурларини бир марказга жамлаб, бошқариб бориш ҳам асар қаҳрамонлари зиммасига юклатилади. Китобхон бирор бир асарни ўқир экан, қаҳрамонлар хатти-ҳаракати ва қалб кечинмалари орқали ўз муносабатини намоён эта боради. Шу тариқа асарга ипсиз боғланади, уни англашга, ҳис этишга, қаҳрамонлар қисмати ва воқеалар ривожини таҳлил қилишга уринади. Китобхон ҳисларини жумбушга келтирган ва қайта-қайта ўқилган асарларгина умри боқий асарлар сирасига киради.

Абдурауф Фитрат айтганидек: “Адабиёт-фикр, туйғуларимиздаги тўлқунларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам худди

шу тўлқинларни яратмоқдир”,¹¹ эканини англаб етади. Шу боис ҳам адиб асарлари китобхонлар туйғуларини тўлқинлантирди, адабиёт оламига олиб кириб, кўнгил хазинасини бойитди.

Хулоса қилиб айтганда, Одил Ёқубов асарларида конфликт характерлар моҳиятини, образларнинг индивидуал хусусияти очишда асосий поэтик омил экани аёнлашади. Шунингдек, бадиий конфликт ёзувчи қиссаларини драматизмини таъминлашда, сюжетни ҳаракатга солувчи асосий куч, ҳаётдаги реал қарама-қаршиликларнинг бадиий ифодалаш воситаси ҳамдир.

¹¹ Фитрат. А. Адабиёт коидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт хаваслилари учун. –Тошкент, “Ўқитувчи”. 1995.-Б. 21-22.